

## Етакчилар сайлаб олинди

Иқтидорли, креатив салоҳиятга эга бўлган ёшлар хоҳ таълим муассасаси, хоҳ меҳнат жамоасида бўлсин, доимо ўз фикри ва шижоати билан ажралиб туради.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти “Ер ресурсларини бошқариш” факультетининг талабалари орасидан Ўзбекистон ёшлар иттифоқини гуруҳ етакчилари сайлаб олинди. Ушбу сайлов жараёнида Ёшлар билан ишлаш бўйича декан ўринбосари Х.Эшова ҳар бир гуруҳда кириб, Ёшлар иттифоқи фаолияти билан талабаларни яқиндан таништирди ва бугунги кундаги имтиёзларини мазмун моҳиятини тушунтириб берди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлда қабул қилинган “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб қувватлаш тўғрисида”ги Фармони ва 2017 йил 18 июлдаги “Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент Қарори қабул қилинганлиги ва бугунги кундаги Ёшлар иттифоқининг фаолияти ҳақида тақдимот орқали талабаларга етказди ва яратилган имкониятлардан самарали фойдаланиш тўғрисида ҳам батафсил маълумот бериб ўтди. Шундан сўнг ҳар бир курснинг гуруҳ мураббийлари сўзга чиқиб, ҳар бир номзодларни ўқиб эшиттирди ва 2018-2019 ўқув йили учун Ёшлар иттифоқининг гуруҳ етакчисини гуруҳнинг энг фаол иқтидорли ташаббускор талабалари орасидан сайлаб олишди.



**ЕРБ факультетининг Ёшлар билан ишлаш бўйича декан ўринбосари Хуррият  
Эшова ахбороти**

**Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов**